

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕҲҚОНОВ БЕҲЗОД БАХТИЁРОВИЧ

ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА БАҒРИКЕНГЛИК
ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Дехқонов Бехзод Бахтиёрлович

Хожагон-Нақшбандия таълимотида бағрикенглик тушунчасининг фалсафий
таҳлили 5

Дехконов Бехзод Бахтиярович

Философский анализ концепции толерантности в учении Ходжагон-
Нақшбандия..... 21

Dekhkonov Begzod Bakhtiyarovich

Philosophical analysis of the concept of tolerance in Khodjagon-Naqshbandiya
teaching..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕҲҚОНОВ БЕҲЗОД БАХТИЁРОВИЧ

ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА БАҒРИКЕНГЛИК
ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fal618 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчехра Нематовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Исмоилов Собиржон Турабекович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Шодмонов Қ.Б.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Ҳ.Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро ва минтақавий муносабатларда давом этаётган глобаллашув ва трансформация, сиёсий, миллий ва диний ихтилофлар кучайиб кибермаконда зиддиятли кураш ортиб бораётган бир шароитда жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувлик, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор беришни талаб этмоқда. Жамият аъзолари онгига ўзаро ҳамжиҳатлик, муросаи мадорага эришишнинг оптимал йўллари ва воситаларини ўргатиш орқали инсонпарварлик, собитқадамлик, ижтимоий фаоллик сингари гуманистик ғояларни сингдиришда мутафаккирлар, хусусан тасаввуф аҳлининг маънавий-маърифий ва илмий-фалсафий мероси муҳим ўринга эга. Шу нуқтаи назардан Хожাগон-нақшбандия тасаввуфий таълимотининг адолат, эзгулик, тўғрилиқ, бағрикенгликка оид ғояларининг фалсафий аҳамиятини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм- фанида консенсусга эришиш, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг инновацион усуллари, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг замонавий йўллари ишлаб чиқишга оид назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларнинг назарий методологик асоси сифатида миллатлар ва халқларнинг бебаҳо маънавий мероси, умуминсоний қадриятлари ва ўзига хос миллий тараққиёт йўли муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўрта асрлар мусулмон шарқи тасаввуфий таълимотлари, айниқса, Хожাগон-нақшбандия таълимотида илгари сурилган бунёдкорлик, маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик, халқ манфаати устуворлиги каби тамойилларни ёш авлод онгига сингдириш асосида диний ва дунёвий бағрикенгликни мустаҳкамлаш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашга оид ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. “Маълумки, қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келади. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади. Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир”¹. Айниқса, Нақшбандия тариқатидаги ўзликни англаш ва бағрикенглик ғоялари асосида янги маънавий маконни ва янгича дунёқарашни шакллантириш, ислом дини ва фалсафасига нисбатан ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга доир таълим-тарбия ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021.- Б.305-306.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда 2017 йил 11 июлдаги Ф-4988-сон “Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Бахоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида” фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 нобрдаги 723-сон “Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори, шунингдек соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда тасаввуфий тариқатлар, Хожাগон-нақшбандия таълимоти ҳамда уларда таҳлил этилган бағрикенглик ғоялари Дж. Тримингэм, Ю. Пауль, А. Зарринкўб, У. Турар, А. Кньш, А. Шиммель, Маҳмуд Асъад Жўшон томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Муҳаммаджавод Умидворниё ва Марзия Роғибиён тадқиқотларида Хожাগон-нақшбандия тариқатининг тарқалиши ҳамда маълум қирралари очиб берилган².

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида В. Бартольд, А. Крымский, А. Семёнов, И. Петрушевский, Е. Бертельс, О. Акимовский, М. Ҳазратқулов, А. Муҳаммаджавод каби олимларнинг тадқиқотларида

² Тримингэм Дж. Суфийские ордени исламе.-М.: 1989; Paul Jurgen. Die Politische und soziabe Bedeutung der Naqsbandiyya in Mittelasien im XV jahrhundert. Berlin-NewYork. 1991. –P. 164-207. Суфизм в Центральной Азии (Зарубежнѳе исследование).-С-Пб.: С-ПбГУ, 2001. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи [История суфизма]. – Т.: «Истиқлол», 1999. – 180 б.; Кньш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва, С.П.: Диля, 2004; Шиммель А. Мир исламского мистицизма / пер. с англ. Н. И. Пригариной, А. С. Рапо порт. 2-е изд., испр. и доп. -М.: ООО «Садра», 2012; Маҳмуд Асъад Жўшон Тасаввуф ва Нақшбандийлик . Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва ғўзаллик. - Тошкент.Мовароуннахр, 2006; Умидворниё, Муҳаммаджавод. Нақшбандийлик ва унинг Марказий Осиё ва Хитойдаги таъсири (форс тилида) // Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари. – Техрон. 1373/1994. кузи, №6. – Б.78-86.;

Нақшбандия тариқатининг тарихий ривожланиши, хожагон-нақшбандия таълимотининг шаклланишидаги ролига алоҳида аҳамият қаратилган³.

Мамлакатимизда ўрта асрлар Шарқ фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари И. Мўминов асарларида, тасаввуф фалсафанинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлари М. Болтаев, Р. Шодиев, Ҳ. Саломова, С. Каримов, С. Исмоилов, О. Шарипова, Г. Юнусова, Б. Намозов, Э. Зоиров, Х. Рахматова, Х. Самадов⁴ илмий изланишларида, Нақшбандиянинг баркамол инсон тарбиясидаги ўрни Г. Наврўзованинг монографик тадқиқотларида, Хожагон таълимотини фалсафий таҳлили Н. Сафарова изланишларида амалга оширилган. Хожагон-нақшбандия таълимотининг илдизлари ва шаклланиш манбалари К. Рахимов томонидан очиб берилган бўлса, бағрикенглик категорияси М. Хажиева тадқиқотларида батафсил таҳлил этилган. З. Қодирова ва М. Вохидова тадқиқотлари ушбу диссертацияни ёзиш жараёнида методологик манба сифатида хизмат қилган.

Диссертация тадқиқотини олиб бориш жараёнида юқорида қайд этилган хорижлик ҳамда республикаимиз олимларининг илмий изланишларидан унумли фойдаланилди. Аммо, қайд этилган ишларнинг тадқиқот объекти асосан бағрикенглик ёки Хожагон-нақшбандия тариқатининг умумназарий масалаларига бағишланганлиги, мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик тушунчасининг фалсафий таҳлилин амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” (2017-2022 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

³ Бартольд В. Мистицизм в исламе, Соч. т. 6 Ислам. - П.: 1918; Кримский А. История Персии ее литературы и дервишской теософии, т 2, -М.: 1972.; Семёнов А. Бухарский шейх Бахауддин Қ.Қ. Восточный сборник в честь А.Н. Веселовского. ТВЛИВЯ. Вып Х.Ш.-М.: 1914); Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965; Петрушевский И. Ислам в Иране в VII-XV вв. - Л.: 1966.; Брагинский И. Из истории персидской и таджикской литературы. (изб.раб). -М.: 1972.; Ҳазратқулов М. Тасаввуф. -Душанбе: Маориф, 1988.; Мухаммадхужаев А. Идеология нақшбандизма.- Душанбе: Дониш, 1991.

⁴ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т., 1968. Болтаев М. Хўжа Абдухолик Гиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх. – Бухоро, 1994; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009; Шодиев Р. Суфизм в жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв). – Самарканд, 1993; Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Бухоро “Дурдона” нашриёти. 2018. - 196 б.; Каримов С.К. Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий фикрининг дастлабки назарий манбалари. Самарканд, 1993. – Б.5; Наврўзова Г. Абдухолик Гиждувоний. – Самарканд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020; Сафарова Н. Хожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий қадриятлар масаласи. Фалс.фан.ном....дисс. – Тошкент: 2002; Намозов Б. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. – Тошкент: Фан, 2009; Наврўзова Г.Н., Рахматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: “Бухоро”, 2010.; Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Самарканд, 2019; Хажиева, М. С. Национальная гордость и толерантность в процессе устойчивого развития независимости / М. С. Хажиева, С. Б. Машарифов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2013. — № 4 (51). — С. 331-332.; Вохидова М., Кадырова З.Р. К вопросу о нравственно-категориальном статусе толерантности // Наука, философия, общество: Материалы V Российского философского конгресса. Т. 2. – Новосибирск, 2009. – С. 186–187.

Тадқиқотнинг мақсади Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенглик ғояларининг барқарор тараққиётни таъминлашдаги ҳамда ёш авлод тарбиясидаги ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенглик тамойилларининг бағрикенгликка оид замонавий концепциялар тизимида тутган ўрнини асослаб бериш;

бағрикенглик тушунчасининг генезиси ва трансформацияланишув жараёнини тадқиқ этиш;

Хожагон-нақшбандия таълимотининг XII–XIV асрларда шаклланиш ва ривожланиш манбаларининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш;

Хожагон-нақшбандия таълимотида илгари сурилган бағрикенглик тамойилининг ёш авлодни комиллик руҳида тарбиялашдаги ўрнини аниқлаш;

Хожагон-нақшбандия тариқатидаги бағрикенглик тушунчасининг замонавий концепциялар билан муштарак жиҳатларини фалсафий тадқиқ қилиш ҳамда Янги Ўзбекистонда жамият барқарорлашувидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хожагон-нақшбандия тариқати намоёндаларининг илмий маънавий мероси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Хожагон-нақшбандия, етти пир таълимотларидаги бағрикенгликка оид тамойилларнинг фалсафий аҳамиятини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, тизимли-функционал ёндашув, контент анализ, ретроспектив таҳлил, диалектик, синергетик, герменевтик каби илмий билиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хожагон-нақшбандия таълимотида илгари сурилган бағрикенгликка доир “бардошлилик”, “ўзаро ҳамжиҳатлик”, “бир-бирига ҳурмат”, “муросаи мадора” тушунчаларини мустаҳкамлаш орқали инсонпарварлик, собитқадамлик, ижтимоий фаоллик сингари гуманистик ғояларни ёш авлод онгида шакллантириш ва кучайтиришга қаратилганлиги мантиқий асослаб берилган;

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асари Баҳоуддин Нақшбанднинг инсон фалсафаси генезиси хусусидаги илмий меросида (Нақшбандия сулукининг асослари) бунёдкорлик, маърифатпарварлик, халқ манфаати, инсонлар ўртасидаги бағрикенглик тамойилларини улғайиб келаётган келажак авлодга сингдиришда муҳим манба эканлиги “бағрикенглик” ва “комил инсон” тушунчаларининг дастлабки лойиҳавий асоси эканлиги исботланган;

Хожагон-Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг адолат, эзгулик, тўғрилиқ, бағрикенглик, “балогардонлик”, “шамдек бўлишлиқ”, “мутлақ эзгулик” ва “комиллик” каби ғоялари (шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат) орқали жамият маънавий ҳаётида диний ва дунёвий бағрикенгликни мустаҳкамлаш масаласи очиб берилган;

Нақшбандия тариқатидаги бағрикенглик тушунчасининг ўз-ўзини англаш, ўз юкини ўзи кўтариш, ўзгаларни хизматга буюрмаслик, ўзгалар юкини ўзига олиш каби мезонлари асосида унинг қадриятли ва рационал-қадриятли ёндашув каби замонавий концепциялар билан ҳамоҳанг эканлиги аниқлаштирилган ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашдаги аҳамияти исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёш авлоднинг мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни англаб, ижтимоий фаол бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш, маънавий дунёқарашнинг юксалиши ва фалсафий мушоҳада юритишига ҳамда халқимизни бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиши учун тарғибот ишларида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик ғоялари асосида оила институтини мустаҳкамлаш, тарбиявий ва маданий-илмий салоҳиятни ошириш, жаҳолатга қарши маърифат, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар самарадорлигини ошириш, тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш имкониятлари аниқланган;

Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарийнинг “Орифнома”, Хожа Али Ромитанийнинг “Расоили машҳураи Нақшбандия, Рисолаи шарифа” асари “Рисолаи Ҳазрати Азизон” асарлари тўғрисидаги маълумотлар қиёсий таҳлил этилиб, уларнинг қисқача тавсифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, тақлиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган концептуал ғоялардан тасаввуф тарихи, Хожагон-нақшбандия тариқати таълимотлари билан боғлиқ илмий изланишларни амалга оширишда, инсон қадри янада юксалаётган Янги Ўзбекистон шароитида ҳамда жаҳон миқёсида тасаввуфнинг муроса, бағрикенглик, сабрлилик, шукроналик фазилатларининг комил инсон тарбиясидаги назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила марказлари, интеллектуал салоҳиятни ўстириш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўзларининг амалий, кундалик фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенгликнинг фалсафий таҳлилига оид қарашларидан “Маънавият ва маърифат” марказларининг аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишда, шунингдек, “Фалсафа”,

“Маънавиятшунослик”, “Ислом фалсафаси”, “Нақшбандия тариқати асослари”, “Тасаввуф назарияси” каби фанларни ўқитишда, “Етти пир” ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этишда, Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенгликка бағишлаб халқаро илмий конференция йўналишларини белгилашда, оммавий ахборот воситаларининг кўрсатувлар ва медиа материалларини тайёрлашда, диний- маърифий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик тушунчасини фалсафий таҳлил этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Хожагон-нақшбандия таълимотида илгари сурилган бағрикенгликка доир “бардошлилик”, “ўзаро ҳамжиҳатлик”, “бир-бирига ҳурмат”, “муросаи мадора” тушунчаларини мустаҳкамлаш орқали инсонпарварлик, собитқадамлик, ижтимоий фаоллик сингари гуманистик ғояларни ёш авлод онгида шакллантириш ва кучайтиришга қаратилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетиде бажарилган ОТ-Ф1-106-сон “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг Ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши” (2017-2020 йй) фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 27 сентябрдаги 04/11-5900-сон маълумотномаси). Натижада, ўсиб келаётган ёш авлодни Хожагон-нақшбандия таълимотида илгари сурилган бағрикенгликка доир ғоялари асосида баркамоллик ва комиллик руҳида тарбиялашда ҳамда юртимиз фаровонлиги, мустақиллигини мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилган;

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асари Баҳоуддин Нақшбанднинг инсон фалсафаси генезиси хусусидаги илмий меросида (Нақшбандия сулукининг асослари) бунёдкорлик, маърифатпарварлик, халқ манфаати, инсонлар ўртасидаги бағрикенглик тамойилларини улғайиб келаётган келажак авлодга сингдиришда муҳим манба эканлиги “бағрикенглик” ва “комил инсон” тушунчаларининг дастлабки лойиҳавий асоси эканлигига доир илмий янгилик ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021-2022 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси” 8-банди “Миллий давлатчилигимиз тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш”, 22-банди “Буюк мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини ўрганиш юзасидан фундаментал илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, уларнинг натижалари асосида илмий-оммабоп китоб ва рисоаларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш”га қаратилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 30 августдаги 248-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизда маънавий янгиланишнинг

имконият ва истиқболлари, баркамол инсон тарбиясини ҳамда инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзга миллат вакиллари хурмат қилишга қаратилган ислохотларни мазмунини халққа етказишга, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилган;

Хожагон-нақшбандия тасаввуфий таълимотининг адолат, эзгулик, тўғрилиқ, бағрикенглик, “балогардонлик”, “шамдек бўлишлик”, “мутлақ эзгулик” ва “комиллик” каби ғоялари (шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат) орқали жамият маънавий ҳаётида диний ва дунёвий бағрикенгликни мустаҳкамлашга оид илмий янгилик ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий жамотчилиқни кенг хабардор этиш ҳамда уларни касбий маҳоратини ошириш бўйича методик ўқишларида, каталоглар, альбомлар, илмий- амалий материаллар базасини яратишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори “Ислом цивилизациясининг умуминсоний кадриятларини, жумладан халқимиз маънавияти ва маданияти ривожига тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш” ва “Жаҳолатга қарши – маърифат” ғояси асосида ислом динига нисбатан содир этилаётган асоссиз хуружларнинг олдини олиш, шунингдек диний ақидапарастлик, мутаассиблик, экстремизм, миссионерлик, сохта тариқатлар ва жамоаларнинг мақсадлари, ғоявий-ақидавий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият усуллари ўрганиш ва уларга қарши курашнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш учун тавсия этиш” бандларидаги вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 26 сентябрдаги 02/475-сон маълумотномаси). Натижада, Хожагон-нақшбандия таълимотининг фалсафий-ахлоқий ғоялари оилада фарзанд тарбияси, унинг дунёкарашини шакллантиришда аждодларимиз мероси, уларнинг ҳозирги кун ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ижобий таъсири борасидаги билим даражаси, илмларни ўрганишга бўлган хатти-ҳаракатларни кенг миқёсда ривожлантириш ва ақлий салоҳиятини юксалтириш имконини бериб, янгича назарий-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил этишга хизмат қилган;

Нақшбандия тариқатидаги бағрикенглик тушунчасининг ўз-ўзини англаш, ўз юқини ўзи кўтариш, ўзгаларни хизматга буюрмаслик, ўзгалар юқини ўзига олиш каби мезонлари асосида унинг кадриятли ва рационал-кадриятли ёндашув каби замонавий концепциялар билан ҳамоҳанг эканлиги аниқлаштирилган ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашдаги аҳамиятига оид амалий тавсия ва таклифлардан “Бухоро” телерадиокомпаниясининг 2021-2022 йилларда эфирга узатилган “Ассалом Бухоро”, “Замондош” телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда ҳамда тадқиқотчи билан бевосита суҳбат

уюштириш жараёнини тасвирга олишда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 30 сентябрдаги 570-сон маълумотномаси). Натижада, эфирга узатилган кўрсатувлар ёшларни баркамол, ростгўй ва ҳалол инсон бўлиб етишиш имкониятларини янада кенгайтиришга, телетомошабинларнинг ушбу масалалар юзасидан керакли маълумотларни олиш имконини берган, уларнинг илмийлиги ва оммабоплигини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бағрикенглик тушунчасининг фалсафий-тасаввуфий моҳияти”** деб номланган биринчи бобида бағрикенгликка оид замонавий концепциялар тизимида Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик тамойилларини ўрганишнинг назарий-методологик асослари ҳамда бағрикенглик тушунчаси, унинг генезиси ва трансформацияси очиб берилган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, “Бағрикенглик” тушунчаси чуқур моҳиятга эга бўлиб, турли миллат, турли маданият, турли халқларнинг ўзаро ҳамжиҳат, фаровонлик, аҳиллик, ҳалоллик асосида истиқомат қилиб умумгузаронлик асосида ҳаёт кечиришдир. Бу борада турли хил концепциялар мавжуд бўлиб, уларни Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенглик тушунчаси билан уйғунлигини кузатиш мумкин. Замонавий жамиятда бағрикенглик тушунчасини мазмун ва шакл жиҳатдан ўзгартириб, унинг аҳамияти ҳам ортиб бораётганлигини тадқиқ этиб, шу билан боғлиқ

равишда бағрикенгликни тоқатлилик билан айнанлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, улар ўзаро мазмунан яқин тушунчалар бўлса-да, тоқатлилик ўзгалар борлиғига нисбатан чидам, бардош, сабр билан муносабат бўлишнигина англатади.

Диссертацияда бағрикенглик атамасининг рационал талқини россиялик мутахассислар орасида анча оммалашган бўлишига қарамасдан уларнинг тадқиқотларида бағрикенгликнинг структуравий тавсифларидан келиб чиққан ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга уриниш устувор тенденция ҳисобланиши таъкидланади. Бағрикенгликнинг серкирра моҳиятини очиб бериш учун рационал ёндашувнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун, бу борада унинг қадриятли ёндашувга асосланган талқинларини билиш ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Диссертант бағрикенгликка оид С.Мендуснинг “Бағрикенглик парадоксал ҳодиса, чунки индивид томонидан унинг амалга оширилиши ўта мураккабдир”, А.Макинтайрнинг “Замонавий маданиятда маънавий-ахлоқий ҳамжиҳатликка эришишнинг рационал кафолатлари мавжуд эмас”, М.Уолцернинг бағрикенгликни дунёдаги барча ҳолатга нисбатан ишлатиш мумкинлигига оид ғояларини қиёсий таҳлил этиб, уларни шарҳлаган⁵.

Диссертацияда Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенглик тушунчасини фалсафий таҳлил этишда қадриятли, рационал ва қадриятли ёндашувларни умумлаштирувчи ҳамда субъектив ёндашув концепциялари методологик асос қилиб олинган ва Хожагон-нақшбандия таълимоти, тариқатлари тўғрисида кўпгина хорижий шарқшуносларнинг фикрлари келтирилган. Нақшбандия тариқати амалиётининг асосига айланган саккиз қонидани Абдулҳолиқ Гиждувоний ишлаб чиққанлиги даллиланган. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд расмий жиҳатдан Хожагон тариқатини давомчиси сифатида Нақшбандия таълимотини асослаган бўлсада, унинг тариқатини асл моҳиятини ишлаб чиққан Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳисобланади⁶.

Диссертант фикрича, Янги Ўзбекистон ғояларини ўзида жамул-жам қилган сўз бу - бағрикенгликдир. Ушбу тушунчанинг қуйи, ўрта ва юқори даражалари ҳамда гендер, ирқий, миллий, лисоний, диний, мулкӣ ва ижтимоӣ турлари ҳам мавжуддир. Диний бағрикенглик маданияти асослари ўзини тўғри тутишга эътибор бериши; нафрат ва камситишдан узоқ бўлиш; ўзга дин вакили билан суҳбатлашганда диний ва ақидавӣ мавзуларда гаплашишдан сақланиш; ўзга дин ва эътиқод вакиллари бошқалардан ажратмаслик; турли дин ва эътиқод вакиллари орасида уларнинг ҳурматини сақлаш; ўз дини ва эътиқодида собит туриш; диний бағрикенгликнинг меъёрига аҳамият қаратиш кабилардир.

Диссертацияда бугунги кунда дунё ҳамжамиятида барқарор тинч-осойишта ҳаёт ҳукм суришида бағрикенглик ҳодисасининг аҳамияти алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, бағрикенглик муҳити ва маданиятини, асраб-авайлайлаш, қадрига етиш муҳим вазифалардан бири бўлиб, уни

⁵ Уолцер М. О. терпимости. – М.: Идея – Пресс. Дом интеллектуальной книги, 2000. –С. 160.

⁶ Қаранг: Аннемари Шиммель. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетея, Энигма, 1999. – С.282.

мустаҳламлиш учун бағрикенгликка асосланган одоб, билим, самимият, хур фикр, виждон ва эътиқодни тарбиялаш лозимлиги таъкидланади. Суқротнинг “Фақат бир эзгулик бор бу билим ва фақат бир ёвузлик бор бу жаҳолат”, ҳамда Форобийнинг “Билим, маърифат-яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим”⁷ деган фикрларига таяниб, бағрикенглик маърифатини кенг ёйиш зарур деб хулоса қилинади.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, бағрикенглик юксак инсонпарвар идеал маданий ҳодиса бўлиб, у туфайли турли маданий тизимлар ўзаро ҳамжиҳатликда барқарор ҳаёт кечириш имконияти шаклланиб боради. Замонавий жамиятнинг асосий универсал қадриятларидан бири экани ҳақидаги ғоя бағрикенглик муаммосининг тадқиқига бағишланган тизимли илмий ишларнинг асосини ташкил этади. Ҳозирда бағрикенглик глобал муаммога айланган ва унинг аҳамияти умуминсоний қадриятларга муносабат қоидаси даражасига юксалган бир даврда Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенглик тушунчаси мазмун-моҳиятини фалсафий таҳлил этиш ҳамда ижобий томонларини дунё халқларини ҳамжиҳат бўлиб яшашига фойдаланиш яхши самара беради.

Диссертацияда Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик маънавият ва маърифат ўртасидаги мулоқотга бўлган зарурият билан изоҳланса, фалсафий нуқтаи назаридан у функционал-коммуникатив кўринишидаги белгилари орқали ижтимоий воқеликни ўзига хос шакли сифатида намоён этгани таъкидланади. “Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъий назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди”⁸. Ҳозирги даврда дунёда мафкуравий жараёнлар ва зиддиятлар тобора мураккаблашиб бораётган бир вақтда мамлакатларнинг тинчлигини сақлаш, ўзаро миллатлараро тотувликни таъминлаш, турли соҳа йўналишларидаги ҳамкорликларни йўлга қўйиш каби муаммоларни ҳал этиш борасида бағрикенглик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тамойилларига мос ҳолда ҳал этиш талаб этилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Хожагон-нақшбандия таълимотидаги бағрикенгликнинг ўзига хослиги”** деб номланиб, унда Етти Пир таълимотида ҳамда Нақшбандия тариқатида бағрикенглик тушунчалари илмий-фалсафий таҳлил этилган.

Диссертант фикрича, Бухорода яшаб ўтган Хожагон-нақшбандия тариқатини Етти Пири – Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Ҳазрати Саййид Баҳоуддин Нақшбанд бўлиб, бу улуғ зотлар Қуръони карим ва пайғамбар

⁷ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий ном. халқ мероси нашр., 1993.- Б.10

⁸ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. - Б. 183

алайҳиссаломнинг суннатларини халққа етказиб, ислом дини ривожига муҳим ҳисса қўшган валиюллоҳлардир.

Диссертацияда Хожагон-нақшбандия тариқат тамойиллари, айниқса тариқатнинг бағрикенглик, ҳалоллик ва инсонпарварлик ғоялари ҳамда тариқат амалиёти XII-XIV асрда ва ундан кейинги даврларда нафақат Мовароуннаҳр балки мусулмон оламида маданий, диний-ирфоний, ижтимоий сиёсий, бадий-ахлоқий ва илмий-фалсафий фикр тараққиёти ҳамда ривожига жуда катта таъсир кўрсатганлиги асосланган. Хожагон-нақшбандия таълимоти Етти Пирининг бағрикенгликка оид манбаларда келтирилган фикрлари диссертант томонидан таҳлил этилган.

Абдулҳолик Ғиждувоний Хожагон тариқати ва таълимотининг асосчиси бўлиб, барча муридларини Оллоҳ ризолиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлиги учун ҳаракат қилишга чақирган. У “Даст ба кору дил ба ёр”- “ Қўл ишда ва қалб Оллоҳ билан бўлиши керак” шиорини Хожагон тариқатига киритган ва бу шиор Хожагон таълимотидаги бағрикенгликнинг рамзидир. Ғиждувонийдан рубоийлар сақланган бўлиб, уларнинг кўпи бағрикенглик мазмунидадир.

Гар дар дилат аз касе шикоят бошад,
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад.
Зинҳор ба интиқом машғул машав,
Бадро бадии хеш кифоят бошад⁹.

Мазмуни:

Агар дилингда бирор кимсадан шикоят бўлса,
Ундан кўнглингни оғриғи бағоят бўлса,
Асло ундан ўч олиш билан машғул бўлма,
Чунки ёмоннинг ёмонлиги кифоят бўлур.

Диссертацияда Хожа Ориф Ревғарий Бухорои шарифнинг иккинчи пири эканлиги, у ўзининг “Орифнома” асарида “Одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзини малоикка монанд этсин, яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф-покиза бўлсин, мудом зокир, бандаликка жидду-жаҳд ва саъй- ҳаракат қилсин”¹⁰, - деган фикрлари бағрикенгликни акс эттирувчи ғоялар эканлиги таъкидланган.

Диссертант фикрича, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Бухорои шарифнинг учинчи пири бўлиб, Хожагон тариқатига жаҳрия, яъни баланд овоз билан амалга оширадиган зикрни жорий этади. Унгача тариқатда фақат хуфия-яширин зикр мавжуд бўлган. Зикрдаги бағрикенглик, яъни хуфия зикр билан жаҳрия зикрни тенг кўрилиши Хожанинг бағрикенглик амалиётидир.

Диссертацияда Хожа Али Ромитаний Бухорои шарифнинг тўртинчи пири эканлиги, унинг форс тилидаги “Расоили машҳураи нақшбандия, Рисолаи шарифа” асарининг таржимаси асосида инсонни баркамол ва комиллик сари олиб борувчи 10 та шарт кўрсатилган. Уларнинг фалсафий

⁹ <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/abduxoliq-gijduvoni/>

¹⁰ <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/30656>

таҳлили асосида бағрикенглик тушунчасига уйғун қуйидаги 3 та шарт алоҳида таҳлил этилган:

شرط دوم خاموشي زبان است از كلام ناشايست و مشغول داشتن آن بقرآءت قرآن و امر معروف و نہي منكر و اصلاح آدميان و آموختن علم و آموزانیدن¹¹

Иккинчи шарт тилни ношойиста гап-сўзлардан тийиб, Қуръон тиловатига, амри маъруф ва наҳйи мункар қилишга, одамлар орасини ислоҳ қилишга, илм ўрганиш ва ўргатишга машғул қилиши керак

شرط سوم خلوت است و عزلت از خلق نادیده در زنان نامحرم ننگرد و در مردان خوبصورت **شرط ششم** نگاهداشت خاطر است. چهار قسم است. 1. خاطر رحمانی 2. خاطر ملکاني 3. خاطر شیطاني 4. خاطر نفساني. خاطر رحمانی تنبيه غفلت است. و خاطر ملکاني ترغيب طاعت است. و خاطر شیطاني تزيين معصيت است. و خاطر نفساني مطالبه شهوات است.¹²

Олтинчи шарт бу фикрни назорат қилишдирки, у тўрт қисмдан иборат. Булар Раҳмоний фикр, Малакониий фикр, Шайтониий фикр ва Нафсоний фикр. Раҳмоний фикр ғафлатни ҳайдади, Малакониий фикр тоатга тарғиб қилади. Шайтониий фикр гуноҳ ишларни безаб кўрсатади. Нафсоний фикр шаҳватни талаб қилади.

شرط هفتم رضا دادن است بحکم خدای تعالی و توکل و تفویض هم از این باب است.¹³

Еттинчи шарт Худойи таъолонинг ҳукмига рози бўлиш, таваккул ва тафвиз қилишдир.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Хожа Мухаммад Бобои Самосий бешинчи пир бўлиб, Баҳоуддин Нақшбандга айтган ўғитлари муроса фалсафаси бўлган бағрикенглик тушунчасининг асосидир. Саййид Мир Кулол олтинчи пир бўлиб, унинг бағрикенгликка оид қуйидаги машҳур ўғити мавжуд:

Маёзор мўру, маёзор кас,
Раҳи роскори ҳамин асту бас¹⁴.

Мазмуни:

Мўрга ҳам, кишига ҳам озор бермагин,
Тўғри йўл аслида мана шудир.

Диссертацияда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорои шарифнинг еттинчи пири, Нақшбандия тариқати ва таълимотининг асосчиси эканлиги, унинг таълимотидаги бағрикенглик тушунчаси бугунги кунда жуда кўп талқин этилаётгандек соф диний тушунча эмас, балки маънавий-ахлоқий тушунча эканлиги таъкидланган. Кўпчилик ҳолларда диний бағрикенглик тўғрисида гапирилсада, унинг бундан ташқари фалсафий, сиёсий, ахлоқий ва тасаввуфий шакллари мавжуд. Нақшбандия таълимотидаги бағрикенглик қуйидаги мезонларни ўзига асос қилиб олади:

1. Ўз-ўзини англаш;
2. Ўз юкини ўзи кўтариш;

¹¹ Хожа Али Ромитаний. Расоили машхураи нақшбандия, Рисолаи шарифа / Профессор Ғулом Мустафоҳон таҳрири остида. Punjab University Library. - Haydarobod, 2001. - № 53581, -Б. 14.(А.А. Болтаев таржимаси).

¹² Хожа Али Ромитаний. Расоили машхураи нақшбандия, Рисолаи шарифа / Профессор Ғулом Мустафоҳон таҳрири остида. Punjab University Library. - Haydarobod, 2001. № 53581, -Б. 18.(А.А. Болтаев таржимаси).

¹³ Хожа Али Ромитаний. Расоили машхураи нақшбандия, Рисолаи шарифа / Профессор Ғулом Мустафоҳон таҳрири остида. Punjab University Library. - Haydarobod, 2001. № 53581, -Б. 19.(А.А. Болтаев таржимаси).

¹⁴ Наврўзова Г. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Тошкент: “Фан” – 2021, - Б. 62

3. Ўзгаларни хизматга буюрмаслик;
4. Ўзгалар юкини ўзига олиш.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Баҳоуддин Нақшбанд қалб масаласига махсус эътибор берган. Қалб масаласи бағрикенглик ҳақидаги ғояларнинг асосидир. Нақшбандия таълимотига Баҳоуддин Нақшбанд “Вукуфи қалбий”-қалбдан огоҳ бўлиш рашҳасини киритиб, бағрикенглик тушунчасини моҳиятини очиб берган. Қалб тарбиясини нафси жиловлаш, бошқариш, меъёрга солишнинг асосий йўли, деб ҳисоблаб, инсонни камолоти учун қалбдан огоҳ, воқиф бўлиш зарур деб билган. Хожагон-нақшбандия таълимотида инсон ўз нафсини таниш, уни жиловлаш, меъёрга солиш инсонда бағрикенглик туйғусини шакллантириш орқали қалб тарбиясини асосий восита сифатида таълим-тарбия жараёнига киритганлар.

